

## Мадина шаҳрида “Вақф” фондининг тақдимоти бўлиб ўтди



17:45 / 09.01.2019 2160

Бугун кунда “Вақф” хайрия жамоат фонди кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хайрия фондига хориждаги ватандошларимизни ҳам жалб этиш ишлари йўлга қўйилаётгани қувонарли ҳолдир. Хусусан, ўтган куни Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида “Вақф” хайрия жамоат фонди фаолиятига бағишланган уламолар, таниқли ватандошлар ва талаба-ёшлар иштирокида тақдимот бўлиб ўтди. Бу ҳақда muslim.uz хабар берди.

Тадбирда фонд раҳбари Искандар Халиловнинг Фонд, хайрия ишлари ва янги лойиҳалар ҳақида маърузаси тингланди, видеоролик намойиш этилди ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хабарда айтилишича, Саудия Арабистонидаги ватандошлар фонд фаолиятдан мамнун эканликларини билдирганлар.

Тадбирда “Вақф” саноат шаҳарчаси лойиҳаси ҳам тақдим этилган, мажмуада ичимлик сувини ишлаб чиқариш, қуруқ мевалар етиштириш ва қурилиш молларини ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйилиши маълум қилинган. Бу борада ҳам ватандошлар режалаштирилган ишларнинг жуда фойдали бўлиши, бу йўлда ҳамкорлик қилиш жуда яхши

натижаларни беришини таъкидлашган. Абдурашид Андижоний ва Аҳмад Муҳаммад Абулқосим сингари бир гуруҳ ватандошлар, албатта, келгусида Ўзбекистонга келишларини билдириб, ҳамкорлик қилиш бўйича аниқ таклифлари борлигини таъкидлаб ўтганлар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**